



ЎЗБЕКНИСТОН

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокию» номи билан асос солинган

ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси Нархи: 10 сўм.
1993 йил 10 июль, шанба № 128 (21.479).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони БАРТЕР АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАРТИБ БУЗИЛИШЛАРИ ВА СУИСТЕЪМОЛЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон бозоридagi аҳволни ўрганиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги рўйхатга олган амалдаги бартер шартномаларини таҳлил этиш товар айирбошлаш операциялари асосида етказиб берилаётган ва харид қилинаётган товарларнинг қиймат жиҳатлари тенглиги қўпол равишда бузилаётганидан dalolat беради. Кўпгина ҳолларда Ўзбекистондан етказиб берилаётган стратегик маҳсулот ва хом ашё: пахта толаси, рангли металллар, азот ва фосфат ўғитларининг нархи яширинча арзонлаштирилганлиги ҳисобига республикага гиғамлар, сигареталар, спиртли ичимликлар ва шу сингари моллар оширилган нархда олиб келинмоқда.

Қатнашчиларнинг манфаатдорлиги уларнинг солиқларини тўлашдан уларнинг четга олиш, баъзан валютада олинган фойданинг бир қисmini яшириш, жумладан, қонунни бузиб, Ўзбекистон иқтисодиёти, корхона ва хўжалик меҳнат жамоасининг манфаатларига зийн етказган ҳолда энг кўп фойда олиш истаги билан ҳам рағбатлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармони билан:

1. 1993 йилнинг 16 июлидан валютасиз асосда экспорт-импорт бартер операцияларини амалга ошириш тақиқлансин.

2. Айрим ҳолларда, нефтни қайта ишлаш маҳсулотига, бинокорлик материаллари ва ёғоч-тахта истеъмолчиларининг ва хўжаликларнинг талабини қондириш мақсадида уларни солиқ солинадиган бартер шартномалар бўйича олиб келишга йўл қўйлади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг:

Ўн кун мудат ичида бартер операциялари бўйича республикага олиб келинадиган товарлар ва маҳсулот рўйхатини аниқласин. Улар юзасидан шартнома-

лар тузиш тартибini ва бажарилиши бўйича назоратни белгиласин.

4. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг раҳбарлари мазкур фармон қоидалари оғинмай бажарилишини таъминловчи зарур чоралар кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1993 йил 9 июль.

ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА



БУХОРО ВИЛОЯТИ

Вилоят 391142 минг квадрат - километр майдонни эгаллайди. Бунинг 198,1 минг гектари суғориладиган экин майдонларидир.

● Вилоятда бир миллион 247,1 минг киши яшайди.

● Мавжуд 89 та давлат корхонаси шу йилнинг биринчи ярмида амалдаги нархларда 44,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

● Аҳолини уй-жой билан таъминлаш даражаси шаҳарларда ҳар кишига 13,2 квадрат метрни, кишлоқ жойларида эса 11,5 квадрат метрни ташкил қилади.

● Вилоятда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ҳар 10 минг кишига 99 та шифохона ўринлари тўғри келади. Мавжуд амбулатория ва поликлиникаларнинг кенг тармоғи ишлаб турибди.

● Мактабгача тарбия муассасалари сонини йил сайин кўпайиб борапти. Ҳозирча улар вилоятдаги меҳнаткашлар фарзандларининг 38,4 фоизини ўз бағрига олган.

● Шуниси диққатга сазоворки, вилот ўқувчиларининг 87,7 фоизи бир сменалик мактабларда таълим олмоқда.

Бухоронинг кўрки ва фахри бўлган тарихий ва маданий обидалар унинг асрий ўтмишидан ҳикоя қилаётгандай... С. МАҲКАМОВ олган сурат.

ҲАМКОРЛИК—ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

ЎЗБЕКНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ОЛИЙ
ДАРАЖАДАГИ ИККИНЧИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли раис жаноблари!
Ҳурматли Бош котиб жаноблари!
Ҳурматли меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Аваллабмор ушбу олий минбардан дўстимиз Сулаймон Демирал жаноби олийларини Туркия Республикаси Президентини этиб сайлангани билан яна бир бор чин қалбимдан табриклар, биродаримизга узоқ умр, сийхат-саломатлик тилайман, турк халқи равақи ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида кўрсатаётган улкан ҳизматлари учун самимий миннатдорчилигини билдираман. Биз Ташу Чиллар жаноби олийларини ҳам Бош вазир этиб сайланганликлари билан табриклар, халқларимизнинг бахт-саодати ривожига кўшадиган ҳиссаларига ўмирдан бўлиб, мастулиятли вазифини адо этишда соғлиқ ва омад тилайман.

Истиқболни ва асосий йўналишларни ҳақиқатан таъйинлаган Истанбул декларацияси лойиҳаси бизнинг фикримизга, Кейта ҳаракати режалари негизини ва умумий руҳига мос келади. Бугун ҳамкорлик таркибидан бирлашган 10 миттақда жойлашган 10 қўшни давлат — тарих, маданияти, дини, дили, тили, тақдирини яқин бўлган халқлар фақатгина куч-ғайратларини бириштириб, бой имкониятларини ўзаро манфаатли тарзда ўзлаштириб, бир-бирини қўллаб-қувватлаётганларни қуввиб етиши, тарихий адолатни қайта тиклаб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринларини эгаллаб олиши мумкин.

Алоқаларнинг ўрни жуда катта.

Айтайлик, Ўзбекистонини Покистон билан боғлаш учун Афғонистондаги аҳвол тўсиқ бўлиб турса, бизнинг энг кўсак оравларимиз, эзгу сўзларимиз ва баёнотларимиз шунчаки қорозда қолиб кетаверади.

Агар ораимиздаги шундай тўсиқ ва ғовларни бартараф этмасак, олға силжиш бўлмайдди. Ҳамфирлик, маслаҳатчилик бўлмайдди.

Биз, Ўзбекистон вакиллари, бугун қабул этилажак Декларацияда коммунистикларга бўлган муносабатини тўла қўллаб-қувватлаётгани билан оқилона лойиҳаларни амалга оширишда ҳалол ва мардона шериклик қилишга тайёриэмиз.

«Ҳаракат бор, ҳайратимиз баракат бор», деб гапирармиш. Шундай экан, бу саъй-ҳаракатлар ҳаммамиздан баробар чиқishi зарур. Мен шахсан сиз, муҳтарам давлат бошлиқларини ана шунга даъват этаман.

Учинчи муҳим шартнинг мазмунини шунки, биз ўзаро алоқа бўлашимиз мумкин, турли муҳим ва тўғри ҳужжатларни имзолаш мумкин, аммо молларини, банк-кредит ташкилотларини йўлга қўймасдан туриб, яхши натижага эришиб бўлмайди. Энди кучли миллий банклар, халқаро банклар, хусусан, Осёё банки, Ислон банки, Европадаги йиринк банклар ёрдам бермаса, биз берган баёнотларини, биз амалга оширмаётганимиз лойиҳаларини жонлантириш қийин.

Тўртинчи шартга кўра, инимизнинг тез суьратлар билан ривожлантиришчи эканлигини ўзаро амалий фаолият шаклини топишимиз зарур. Бизнинг фикримизча, ҳаммамиз бирлашиб, Истанбул Декларацияси лойиҳасида кўрсатилган махсус техника-иқтисодий асослаш фонди қаторида ҳамкорлик фондини таъсис этиш ҳақида ўйланшимиз керак. Ҳар бир давлат шунга масалага доир таклифини берсин. Шубҳа йўқки, бундай фонд барча учун бирдек фойдали бўлади.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — хайрия жамияти эмас. Унга аъзо бўлган ҳар бир мамлакат энг аввало ўз халқининг келажиги ва манфаатини кўзлаб иш юритидади. Шу нуктага назардан қараганда, ўзаро инвестиция фонди 2000 йилгача кўзда тутилган ўзаро манфаатли улкан лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга ва амалга оширишга кўмак бўлади.

Маданий-маънавий алоқаларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Агар ўн мамлакат халқлари бир-бирининг ҳаётининг қанчалик кўп хабардор бўлса, миллат намоёндалари ўзаро борди-келди қилсалар, тижорат ва иш одамларининг ўзаро қатновчи ҳам шунчалик кўпаяди.

Яна таъкидлаб айтман, халқларимиз маданият ва дин-иймон борасида бир-бирларини қанчалик яхши тушунасалар, иқтисодий алоқаларимиз ҳам шунчалик тез ривож топади.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!
Биз бугун жуда яхши ниятлар билан яшаймиш. Шундай буюк тарихга ва маданиятга эга бўлган халқларимиз энг яхши тақдирга муносиб эканлиги ҳаммамиз тушунамиз. Эзгу оравларимиз амалга ошмоғи учун нафақат муайян вақт, балки тинч ва озоишта вазият ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Минтақада тинчлик барқарор бўлмаса, биз тузган энг буюк лойиҳалар ва дилдаги эзгу ниятлар амалга ошмай қолшин мумкин. Ҳозир бизни энг қаттиқ ташвишга солаётган нарса — Афғонистондаги аҳвол, у ердаги вазиятнинг беқарор ва нотинч экани.

Биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмоқчи эмасмиш. Ниятимиз жуде холис — қардош Афғонистон халқини тинч бўлса, биродарларимиз ўзаро сулҳ топиб, тезроқ тинч меҳнатга ўтсалар, деб оруз қиламиш.

Қўшни Афғонистондаги ўзаро мухолиф кучларни яшириштириш, афғон халқини тезроқ тинч меҳнатга жалб этишга ҳар биримиз баҳоли кўрадиган уриниб кўришимиз керак.

Шу мақсадда биз ташаббус кўрсатиб, қўшни давлатдаги ўзаро мухолиф кучлар вакилларини шу ерда йиғилган давлатлар ва манфаатдор халқаро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари иштирокида Тошкент шаҳрида музокаралар учун йиғилишларини таклиф этардик.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!
Махлисимида ҳозир бўлган вакиллар ўзаро тил топиб, бўлажак эфр ҳамкорлик учун катта йўл очадиган, дея умид билдиришга рўхсат этгайсизлар.

ИСТИҚЛОЛ ЙЎҚЛАМАСИ САФАРБАРЛИК ПАЛЛАСИ

Холмурод ЖУМАБОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилояти Кенгашининг иккинчи котиби

Яқинда вилоят кенгашини жамоат ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш маросими бўлди. Вилот ҳокимлиги ақлия бўлимидан 1-ракамли тувҳомнома олдик. Бу эса ХДП вилоят ташкилотининг меҳнаткашлар ҳаётида тутган ўрни, фуқаролар ўртасидаги нуфуздан dalolat бериб турибди. Нуфуз эса фақат икдорий ишлаш ва амалий, шўнқин фаолият тўғрисида юзага келади.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши таркибидан партиянинг аъзолари 69 фоизини, туманларда 65 фоизини ташкил қилади. Уларнинг фаолияти кейинги даврда вилоят фуқароларининг учун катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган «200 кун», «Биримиз икки йўлдан», «Барака — ҳаракат» дастурларини қўйиб қилиш ва ҳаётга таъбиқ этиш, инқобининг бермоқда.

Шу йилнинг бошида амалга оширишга қўйилган «Барака — ҳаракат» дастури бўйича кейинги олти ой мобайнида бухорликлар эҳтиёжлари учун марказлаштирилган таъминот манбаеларига қўшимча ўн миллиард сўмлик озин-оқват маҳсулотлари ва кенг истеъмол буюмлари хориждан харид қилиб келинди. Натижада озин-оқват маҳсулотларини таъминотида узилиш юз бермади.

Айни пайтда партия ташкилотларининг ташаббуси билан халқ депутатларининг ўз сайлов округларида, депутатлик гуруҳларининг эса партия кенгаши раёон фуқаролари ёхуд икдория бюроси йиғилишларида ҳисобот беришлари ҳам номоздоримиз фаолиятдан мамнуулигини кўрсатди.

рига сафари чоғида билдирган фикр-мулоҳазалари асосида тadbирлар мундорларини белгилаб, ташкилотчилик вазифаларини бажаришга киришдик.

Ҳокимлик тизими вакиллари билан ҳамкорликда ягона тарғибот-ташвиот тўғрисида тўзилиб, жойларда кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бу тadbирларда партия ва бошқарув ходимлари билан бир қаторда олимлар, ёзувчи ва шoirлар, сайёат арбоблари иштирок қилиши учрашувларга ўзгача мазмун бағиш-ламоқда.



Мустақиллик байрами арафасида истиқлол маъсулиятини бағишлаб илғимий-амалий конференция ўтказиш ниятимиз бор. Яқинда вилоят кенгаши ҳузурда «Эй-ёллар ва мустақиллик мафқураси» мавзудаги давра суҳбати жуда фойдали бўлди.

Шу кунларда мустақилликнинг икки йиллигига бағишлаб барча туман рўномаларида партия ташкилотларининг йўқламаси ёритилмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик таваллуд кунига ҳозирликни мафқуравий ишнинг ажралмас қисми деб биламиш. Жойларда ўтказилаётган лекциялар, суҳбатлар, учрашувлар жараёнида фуқаролар нақшбандийлик умуминсоний ёлларга ҳамоҳанг эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдалар. Умуман, вилоят партия ташкилоти мустақилликнинг икки йиллигини ўз сафларини мустаҳкамлаган, истиқлол йўлида жипсаланган ҳолда катта сийсий кўтаринкилик билан кутиб олмоқда. У халқ билан ҳамшира ҳамнафасдир!

«Истиқлол йўқламаси» туркумидаги мақолаларнинг давомини ўқинччи бетда ўқиниш.

Taloni



POLO

УНУТИЛМАС

KING SIZE FILTER

Чеким соғлигингизга зарардир!

Қуйидаги манзилга мурожаат этиб, бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Катта Миробод кўчаси, 158-уй (Ивлев, 67).

“Табани групп оф компаниз”

Факс. 54-08-30. Telex. 116416 TABANI SU Telephone. 32-35-53, 54-06-70, 54-07-98, 55-35-49.

Ўзбекистон Республикасидаги савдо агентларимиз: “Мунис” АТД, “ХЕСО” АТД, шунингдек “ФРИЯ” фирмалари.

Бош бошқарувчиси Абборхон



«АВИАБРОК» ФИРМАСИ

ҲАВО АГЕНТЛИГИ СИЗНИ ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ, ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ СЎНГИ ЮТУҚЛАРИ ОЛАМИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ЭКСПО-93» БУТУНЖАҲОН КЎРГАЗМАСИ

Тэжон шаҳрида (Корея Республикаси) 7 августдан 7 ноябргача ўтказилади. Бу нуфузли анжуманда мустақил Ўзбекистон биринчи бор қатнашади, мамлакатимизнинг илмий, амалий ва маданий жаҳаси вакиллари иштирок этишади. Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги «Авиаброк» фирмасига Бутунжаҳон кўрғазмасига сайёҳлар ва бизнесчилар гуруҳини тузиш ва

самолётлар орқали жўнатиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишни топширган. Сиз «ЭКСПО-93» кўрғазмасига тайёرمىсиз? Биз сизга кўмаклашишга ҳозирмиз! МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Нукус (собиқ Полтарацкий) кўчаси, 73 «б»-уй, «Авиаброк» биноси. ТЕЛЕФОНЛАР: 54-79-39, 54-77-19 (сайёҳлар ва бизнес гуруҳлар учун), 39-11-87. (амалий ва маданий доираларда иштирок этиш бўйича).

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

ГЕНЕРАЛ ПЕТРОВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА МУСИҚАЧИЛАР ТАРБИЯЛОВЧИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ 1993—1994 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

- Флейта, гобой, кларнет, фагот, волторна, труба, тамбон, туба, зарб билан чалинадиган асбоблар. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилди. Ўқишга 4-синфни тугатган ўғил болалар қабул қилинади. Қуйидаги ҳужжатлар ҳавола қилинади: 1. Тиббий маълумотнома; 2. Турилганлик ҳақида гувоҳнома; 3. Турар жойидан маълумотнома; 4. 6 дона 3x4 см. ўлчамли сурат. Аризалар 1 сентябргача қабул қилинади. БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, 700207, «Галабининг 40 йиллиги» даҳаси. 2-мавзе, 28-уй. Автобуслар: 30, 110, трамвайлар 29, 6. «Ўзал» бекати. телефон: 97-96-40.

СПОРТ

НОМЛАРИ ЎЗГАРДИ ● Ўзбекистон миллий футбол чемпионатида иштирок этган бир қанча жамоаларнинг номлари ўзгарди. Республика футбол уюшмасидан маълум қилишлари:

ча Олмалицининг «Холис» жамоасини «Олмалик» номи билан юриштириш қарор қилинган. Шунингдек, Бек-ободнинг «Маданчи», «Металлур», Косонсойнинг «Косонсой» — «Купшон», Ҳаққулободнинг «Сувчи» — «Норин» номи билан юриштирилган бўлди.

МАҲОРАТ БАҲСИДА

● Спортнинг кинбобсинг тури бўйича МДҲ давлатлари иккинчи чемпионати якунида. Гомель ва Ужгород шаҳарларида ўтказилган маҳорат баҳсида Арманистон, Белорусс, Қозғоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Литва, Россия ва Украинада тўланган спортчилар ўзаро куч синашди. Гомель шаҳрида куч синаш-

ган тошкентлик Р. Рузиоҳунов курашнинг «соло» ва «фул» турлари бўйича астойдил ҳаракат қилиб, голиблик супасига кўтарилди. ҚУРЪА ТАШЛАНДИ ● Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги учун курашнинг чорак финалда иштирок этувчи жамоалар ўрта-сида қўрға ташланди. 14 августда ўтказилган дастлабки ўйинда «Нав-

бахор» — «Наврўз», «Динамо» — «Пахтакор», «Атласчи» — «Чирчиқ» жамоалари майдонга тушадиган бўлишди. «Транктор» ўз майдонда «Насаф» — «Нефтчи» жамоалари учрашуви голибни қабул қилади. Тақрорий учрашувлар 18 августа мўлжалланган. ҚЎПКУРАШ ГОЛИБИ ● Шу кунларда гимнастикачи қизларимиз Туркия

сафарига юришибди. Бу мамкакатда ўтказилган халқаро турнир олдидан республикамиз гимнастикачилари Ўзбекистон кубоги учун курашда қатнашган эдилар. 25 нафар спортчи иштирок этган бу мусобақада кўпкураш бўйича тошкентлик Татьяна Маликова ғалаба қозонди. Уйлаймизки, гимнастикачиларимиз Туркия сафаридан ҳам совринли ўринларни олиб қайтишади.

МОВИЙ НЎЛКАЛАРДА

● Тошкентда сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. 170 нафар сузувчи иштирок этган бу мусобақада мовий йўлқалар бўйлаб белгиланган масофаларни сузиш ўтишида маҳорат кўрсатилди. Жумладан, гулистонлик Л. Бектемирова чалқанча сузиш бўйича 50, 100 ва 200 метрли масофаларда биринчи бўлди.

ЎТГАНЛАРИНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БУЛСИН

«Уманий хизматушма» жамоаси Қўқон шаҳар маиший хизмат бирлашмасининг собиқ директори Унтамохон РЎЗИЕВНИНГ вафот этганлигини маълум қилиб, марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқинлари таъзия изҳор қилади.

MANZILIMIZ: 700083 TOSHKENT, GSP, MATBUOTCHILAR KUCHASI, 32-UY. TAХРИР ҲАЯЪАТИ.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳафт — 33-47-80, 32-53-14. Иқтисодий ҳафт — 33-21-43, 32-53-16. Жиноятчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70, 32-53-15. Внпоят муҳбирлари — 33-12-16, 32-57-20. Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16 «Сиб Бозори» — 33-41-89, 32-55-70. Котибнат — 33-72-83, 32-53-06. Ўзлон ва билдирувлар — 32-54-12.

Шароф Рашидов. Фонди — 33-20-36, 32-54-35. Қабулхона — 32-55-15. ҲУМУХБИРЛАРИМИЗ: Анджиқонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Намонда — 3-74-76; Нуусуда — 2-42-62; Навбатчи муҳаррир: Ш. РЎЗИЕВ.

● Ўзлонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилди. ● Кўлэмалар ҳажми чекланмайди. ● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120. Газета офсет усулида А-2 форматда босилади. Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 156006 нуска. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.00. Г — 325. № 128.